

**"NAVOIYDONMAHSULOTLARI" АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ 2018 ЙИЛ 01 ДЕКАБРДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИДА  
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРИ**

Т/р	Кун тартибининг масалалари	Овоз бериш якунлари	Қарорларнинг таърифи
1	“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ нинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш	Ёқлаб – 780 701 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин: 1. А.Фахретдинова “NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ ходимлар буйича инспектор 2. Г.Муминова “NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ маркетолог 3. М.Абриева “NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ ходимлар буйича инспектор
2	“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ нинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш	Ёқлаб – 780 701 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин: Саволлар ёзма кўринишда ва котибият орқали берилади. Йиғилишда чиқиш қилиш учун ҳам котибиятга мурожаат қилинади. Кун тартибидаги масалалар юзасидан асосий маърузалар учун - 5, 10 дақиқа. Мунозаралар учун - 3 дақиқа. Маълумотлар, саволларга жавоб бериш учун – 5 дақиқа. Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа. Овоз бериш якунидан сўнг танафус - 15 дақиқа.
3	“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ нинг 2018 йил 9 ойлик молиявий фаолияти натижалари буйича олган 4 337 061,0 минг.сўм соф фойдасини тақсимлаш, 50 фойзини яъни, 2 168 530,5 минг.сўм дивиденд тўлашга йўналтириш қолган 2 168 530,5 минг.сўмни жамиятнинг йил якуни буйича умумий йиғилишда кўриш тўғрисида	Ёқлаб – 780 701 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ фаолиятининг 2018 йилдаги 9 ойлик якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда жамиятнинг 4 337 061,0 минг.сўмлик соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин: - соф фойданинг (4 337 061,0 минг сўмининг) 50 фойзи яъни, 2 168 530,5 минг сўми акциядорларга дивиденд туловларига йўналтирилсин. Шундан: - имтиёзли акциялар учун номинал қийматига нисбатан 25 фоиз, бир дона акция учун 200 сўм жами 312,6 минг сўм; - оддий акциялар учун номинал қийматига нисбатан 289.7 фоиз, бир дона акцияга 2 317,4798 сўмдан жами 2 168 217,9 минг.сўм. - дивидендлар тулаш муддати 2018 йил 10 декабрдан 2019 йил 10 февралга қадар қилиб белгилансин. 3.1. Жамият ижроия органига (Бошқарув раиси Ш.Шарипов ва бош ҳисобчи О.Йулдошев); - ҳисобланган дивиденд маблағларини амалдаги қонун талаблари асосида белгиланган муддатларда тўлаб бериш; - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелидаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармонида асосан, 2018 йилда 9 ойлик молиявий ҳисоботни нашр этишни ва Халқаро аудит стандартлари

			хамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташкил этишни таъминлаш, - жамият бухгалтерия балансларини “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонун талаблари асосида юритилишини таъминлаш топширилсин
--	--	--	--